
Фурқат тумани мезбонлигида вилоятимизнинг шаҳар ва туманлари ўртасида спортнинг қўл жанги тури бўйича мусобақа ўтказилди
Ёшларни спортга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида ўсмирлар ўртасида спортнинг Қўл жанги тури бўйича вилоят биринчилиги учун саралаш мусобақаси ўтказилди.

Янги маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 37-мактаб спорт залида ўтказилган мусобақада вилоят қўл жанги федерацияси масъуллари, спортчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Фурқат тумани мезбонлигида ўтган мусобақада вилоятимизнинг Қўқон шаҳри, Қува ва Ўзбекистон туманларидан келган 7-18 ёшли 100 нафардан зиёд ўсмирлар 10 та вазн тоифасида куч синашдилар.

Мусобақада ғолиб бўлган спортчилар мусобақа ташкилотчилари томонидан диплом, медаллар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

2023-05-11 17:42:44